

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Ҳал қилув қарори

Жиззах шаҳри

2023 йил 30 октябрь

Жиззах туманлараро иқтисодий судининг судьяси М.И.Юлдашев раислигида, А.Мусаевнинг котиблигида, аризачи [REDACTED] га нисбатан берган аризаси бўйича иқтисодий ишни аризачи вакили иштирокисиз, қарздор вакили иштирокисиз, муваққат бошқарувчи Ҳ.Ҳайдаров иштирокида Жиззах туманлараро иқтисодий суди биносида бўлиб ўтган очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

**А Н И Қ Л А Д И:**

[REDACTED] (бундан буён матнда “Аризачи” деб юритилади) ариза билан Жиззах туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиб, қарздор [REDACTED] (бундан буён матнда “Қарздор” деб юритилади)га нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзгатишни, қарздорни банкрот деб топишни ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўраган.

Суднинг [REDACTED] ажрими билан ариза иш юритишга қабул қилиниб, қарздор [REDACTED] нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзгатилиб, унга нисбатан кузатув тартиб таомили жорий этилган. Муваққат бошқарувчи этиб [REDACTED] тайинланган.

Суднинг [REDACTED] билан муваққат бошқарувчи [REDACTED] ўрнига қарздор [REDACTED] муваққат бошқарувчиси этиб, [REDACTED] тайинланган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили, аризадаги важларни баён қилиб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида қарздор вакили, муваққат бошқарувчи иштирок этмади.

Қуйидаги асосга кўра, кредиторнинг аризасини қаноатлантиришни топди.

Кредиторнинг аризасида қарздорга тегишли бўлган мол-мулклар мавжуд эмаслиги, кредитор фойдасига чиқарилган ижро варақаси МИБ томонидан “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида” ги Қонуннинг 40-моддаси 3-бандига асосан ундирувчига ижросиз қайтарилган бўлсада, суд аризани умумий тартибда иш юритувига қабул қилиб, қарздорга нисбатан кузатув жорий этган. Бироқ, аризага илова қилинган ҳужжатлардан аниқланишича, иш банкротликнинг соддалаштирилган тартибида кўриб чиқилиши лозим.

Суд, ишда иштирок этувчи тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан танишиб, қуйидагиларга асосан аризачининг аризасини қаноатлантиришни, қарздор [REDACTED] ни соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топишни лозим топади.

Ишдаги ҳужжатлардан ва суд жараёнида аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, [REDACTED] (СТИР: [REDACTED]) 2022 йил 13 июлда давлат рўйхатидан юридик шахс сифатида рўйхатга олинган. Қарздорнинг почта манзили: Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй.

Аризачи [REDACTED] ва қарздор [REDACTED] ўртасида тайёр тиббий воситалар ва тиббий буюмлар етказиб бериш



тўғрисида [REDACTED]-сонли шартнома тузилган. шартномага мувофиқ аризачи [REDACTED] товарлар етказиб берган.

Жавобгар томонидан [REDACTED] сўмлик товар учун ҳақ тўланиб, қолган [REDACTED] сўм қарздорликка йўл қўйган. Тошкент туманлараро иқтисодий судининг [REDACTED] [REDACTED]-сонли қарздордан кредитор фойдасига жами [REDACTED] сўм ундириш тўғрисида хал қилув қарори қабул қилинган. Хал қилув қарори асосида берилган ижро варақаси МИБ Жиззах шаҳар бўлимига берилган. Давлат ижрочисининг [REDACTED] қарори билан “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида” ги Қонуннинг 40-моддаси 3-бандига асосан ижро иши тамомланган. Қарздорликни ундириш имкони бўлмаган. Шундан сўнг аризачи қарзор пул мажбуриятларини бажармаганлиги сабабли, қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисида иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонунининг 5-моддаси биринчи қисмига асосан, агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган бўлса, унда корхонада доимий тўловга қобилиятсизлик аломати мавжудлигини белгилайди.

Ушбу қонуннинг 26-моддасига кўра, тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилганда, агар қарзор билан бошқача келишув белгиланган бўлмаса, суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш харажатларининг ўрни қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза берган аризачи томонидан қопланади. Бунда суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш учун суднинг депозит ҳисобварағига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг етти баравари миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилади. Суд бошқарувчисига ҳақ ҳар бир якунланган иши учун тўланади.

Ушбу қонуннинг 37-моддасига кўра, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш ушбу Қонуннинг 5-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлганда суд томонидан қўзғатилиши мумкин, қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳамда уни банкрот деб топиш, шунингдек тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этиш учун қарздорнинг доимий тўловга қобилиятсизлиги асос бўлади. Мазкур Қонуннинг 241-моддасига кўра, ўз фаолиятини тугатган қарзор яқка тартибдаги тадбиркор ёки тугатилаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг жойлашган ерини (яшаш жойини) аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, ҳозир бўлмаган қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ариза, кредиторлик қарзи миқдоридан қатъи назар, кредитор, ваколатли давлат органи, давлат солиқ хизмати органи ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилиши мумкин, ушбу қонуннинг 242-моддасига кўра, суд ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги аризани ўз иш юритувига қабул қилиб олган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Мазкур ҳолатда, суд аризачининг қарзор [REDACTED] ни соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги аризасини қаноатлантиришни, қарздорни соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топишни ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни лозим деб топди.

Суднинг [REDACTED] ажрими билан муваққат бошқарувчи этиб, [REDACTED] тайинланган.



Шу боис суд қарздор [REDACTED] тугатиш бошқарувчиси этиб [REDACTED] тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сон Қарорига илова “Сохта тўловга қобилиятсизлик, тўловга қобилиятсизликни яшириш ва қасддан тўловга қобилиятсизликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида Қоидалари”нинг 3-бандига кўра, Суд бошқарувчиси, ўзи тайинланган вақтдан бошлаб, мазкур Қоидаларда назарда тутилган сохта тўловга қобилиятсизлик, тўловга қобилиятсизликни яшириш ва қасддан тўловга қобилиятсизликка олиб келиш аломатларини аниқлаш бўйича ҳаракатларни амалга ошириши ҳамда чоралар кўриши шарт.

Мазкур Қоидаларнинг 38-бандига кўра, Сохта тўловга қобилиятсизлик, тўловга қобилиятсизликни яшириш ёки қасддан тўловга қобилиятсизликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги тўғрисидаги хулоса имзолангандан кейин 10 иш кунидан кечикмай кредиторлар йиғилишига, иқтисодий судга ва прокуратура органларига тақдим этилади.

Бундай ҳолатда, суд аризачи вакилининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, аризачи [REDACTED] аризасини қаноатлантиришни, қарздор [REDACTED] соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топишни, тугатишга доир иш юритишни бошлашни, суд бошқарувчиси [REDACTED] тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлашни, суд харажатлари масаласини муҳокама қилиб, суд харажатларини қарздорнинг зиммасига юклашни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 25, 27, 118, 176-179, 210-моддаларини қўллаб ва Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуннинг 5, 29, 37, 44, 241, 242-моддаларига асосланиб, суд -

### Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Аризачи [REDACTED] аризаси қаноатлантирилсин.

Қарздор [REDACTED] соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топилсин ва тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

Қарздорни тугатишга доир иш юритишни бошлаш учун суд бошқарувчиси Х.И.Порсаханов тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлансин.

Қарздорни тугатишга доир иш юритишни бошлаш, уни ташкил этиш ва расмий нашрда эълон бериш ва ҳар ойда судга қилинган ишлар юзасидан далиллар билан бирга ҳисобот тақдим этиш ҳамда уч ой (2024 йил [REDACTED] бўлган) муддатда судга тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги тўғрисида якуний ҳисобот тақдим этиш тугатиш бошқарувчиси зиммасига юклатилсин.

Тугатиш бошқарувчиси зиммасига:

- қарздорни тугатишга доир иш юритишни бошлаш, уни ташкил этиш ва эълон бериш, қарздорда сохта тўловга қобилиятсизлик, тўловга қобилиятсизликни яшириш ва қасддан тўловга қобилиятсизликка олиб келиш аломатларини аниқлаш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш чораларини кўриш ва хулоса тайёрлаш, имзолаш, судга тақдим қилиш;

- имзолангандан кейин ўн иш кунидан кечикмай тўловга қобилиятсизликни яшириш ва қасддан тўловга қобилиятсизликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги тўғрисидаги хулосани - кредиторлар йиғилишига, иқтисодий судга ва прокуратура органларига; тўловга қобилиятсизликни яшириш ва қасддан тўловга



қобилиятсизликка олиб келиш аломатлари мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулосани - кредиторлар йиғилишига, иқтисодий судга тақдим қилиш;

- ўн кунлик муддат ичида расмий нашрларда қарздор тўловга қобилиятсизлик деб топилганлиги ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги тўғрисидаги маълумотни чоп эттириш ва судга бу ҳақида далилларни тақдим қилиш;

- тугатишга доир иш юритишни Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ равишда ташкил қилиш ва тугатишга доир иш юритиш натижалари ҳақидаги оралиқ ҳисоботини тақдим қилиш;

- тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги тўғрисида якуний ҳисоботни 2023 йил 8 декабргача тақдим этиш масъулияти юклатилсин.

Қарздор [REDACTED] дан аризачи [REDACTED] фойдасига олдиндан тўланган 990.000 сўм давлат божи ва 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Қарздор [REDACTED] дан [REDACTED] [REDACTED] сўм ишни видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажаталри ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан қонуний кучга киради ва дарҳол ижрога қаратилсин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган тарафлар ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ойлик муддатда Жиззах туманлараро иқтисодий суди орқали Жиззах вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти беришга (протест келтиришга) ҳақли.

Судья

М.И.Юлдашев

